2016 ЙИЛ 1 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111 (13.174)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



"Туркистон" саройида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан концерт намойиш этилди.







БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ОЛАМ-ОЛАМ

"Sen yolg"iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш каби азалий қадриятларимиз ўз ифодасини топди.

Байрам тадбирига пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, Тошкент шаҳар "SOS – болалар маҳалласи" тарбияланувчилари, алоҳида эътиборга муҳтож болалар таклиф этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, уларга пухта таълим-тарбия бериш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатишга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ўғил-қизларимиз ўз билим ва салоҳиятини намойиш этиб келаётир.

Болаларга ҳуқуқий, тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиш юзасидан вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги асосида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ўғил-қизлар ўртасида ташкил этилаётган расм чизиш, мусиқа ва рақс танловлари, юртимиз бўйлаб саёҳатлар, ижтимоий акциялар, турли маънавий-маърифий тадбирлар уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан уюштирилаётган бу каби тадбирлар фарзандларимизга завқ-шавқ улашмоқда.

Тошкент шаҳар "SOS – болалар маҳалласи" тарбияланувчиси Дадахон Нишонов бахтсиз тасодиф сабаб ота-онасидан айрилган. Унга ушбу маҳалла тарбиячилари меҳрибонлик кўрсатиб, қалбида тасвирий санъатга истак уйғотган. У ҳозир тўққиз ёшда. Келажакда рассом бўлмоқчи. Интилувчанлиги, тиришқоқлиги, зукколиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётир.

– Инглиз тили, тасвирий санъат фанлари жуда ёқади, – дейди Дадахон. – Ўқув йилини барча фанлардан аъло баҳоларга тамомладим. Бундан хурсандман. Ушбу байрам концертида болалар билан бирга мириқиб дам олдик.

Тадбирда болалар фольклор, рақс ансамбллари жамоалари, "Баркамол авлод" ижодиёт марказлари ва Меҳрибонлик уйлари қошидаги тўгаракларнинг иқтидорли ўғил-қизлари куй-қўшиқлар ижро этди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўргазмали чиқишлар барчага манзур бўлди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг устувор йўналишлари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Наманган вилоятида жойлашган ҳарбий шаҳарчалардан бирида бунёд этилган кўп қаватли турар жой хонадонларининг калити Шарқий ҳарбий округ қўшинларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар оилаларига топширилди.

● Самарқанд туманидаги "Аъзам Азамат Агро" кўп тармоқли фермер хўжалигида "Ўзбекистон фермерлари – дунё эътирофида" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Ушбу анжуманда Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, солиқ, божхона, қишлоқ ва сув хўжалиги идоралари ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси вакиллари, соҳа экспертлари, мутахассислар иштирок этди.

● Хоразмда "Юрт келажаги" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда иштирокчилар "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар", "Тасвирий ва амалий санъат", "Адабиёт ва журналистика" йўналишларида ўз истеъдодини намойиш этди.

● Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги "Тараққиёт" маҳалласида аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси иш бошлади. Тадбиркор Гулнора Ўлмасова ташаббуси билан ишга туширилган мажмуада ўн нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

● Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган халқаро кўргазма давомида 19 мамлакатнинг 200 дан ортиқ компаниялари томонидан ишлаб чиқилган энг замонавий роботларнинг имкониятлари намойиш этилди.

● Швейцарияда дунёдаги энг узун темир йўл тоннели очилмоқда.

● Австралияда "Ёркин Сидней" номли нур ва ёруғликлар фестивали бошланди. Ушбу ғаройиб фестиваль 18 июнга қадар давом этади.

● Кеча Тайванда Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балли зилзила қайд этилди. Ҳозирча вайронагарчиликлар ва қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН "WORLD TRAVEL FAIR" ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК АНЖУМАНИДА

Яқинда Шанхайда бўлиб ўтган "World Travel Fair" халқаро сайёҳлик ярмаркасида дунёнинг 56 мамлакатида фаолият кўрсатадиган 10 мингдан зиёд сайёҳлик компанияси ўз хизматларини таклиф этди.

Унда мамлакатимиз вакиллари ҳам қатнашди. Халқимиз тарихи ва маданияти, республикамиздаги диққатга сазовор масканлар, кўҳна меъморий ёдгорликлар, қисқача айтганда, Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик имкониятлари ҳақидаги маълумотлар ушбу кўргазма экспозициясидан жой олди. Бундан ташқари, жорий йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган "Ипак йўлида сайёҳлик" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига доир ахборотлар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Тақдимотда Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамда Хоразм ва Қашқадарё вилоятларининг туризм салоҳиятига алоҳида урғу берилди. Қайд этилганидек, бу минтақаларда саёҳатчиларни ноёб табиат гўзалликлари, бетакрор тарихий осори атиқалар, ажойиб экотуризм масканлари кутмоқда.

"World Travel Fair" халқаро сайёҳлик анжумани ташкилотчиларининг айтишича, Ўзбекистоннинг иштироки ушбу ярмаркага ўзгача мазмун, эртакмонанд шарқона муҳитни бахш этди.

— Юртингизнинг ноёб туризм салоҳияти менда жуда катта қизиқиш уйғотди, — деди **"Xinjiang Navigator International Tours" компанияси бош менежери Ли Ёнгвэй.** — Ўзбекистонда хитойлик сайёҳларнинг катта оқимини жалб этиш учун зарур бўлган барча имконият мавжуд. Республика Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашгани, турли давр ҳамда цивилизацияларга доир 7 мингдан зиёд тарихий ёдгорликларга эгалиги ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олгани сайёҳлик жабҳасининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда, деб ўйлайман. Биргина Самарқандниг ўзида бутун дунёга донғи кетган кўплаб тарихий ёдгорликлар бор. Умуман олганда, хитойлик саёҳатчиларнинг кўпчилигини Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар ўзига жалб этиб келмоқда.

"SMG" телерадиоканали медиагуруҳи халқаро бўлими раҳбари Хуань Чэнюнс ўтган йили эфирга узатилган "Ўзбекистон бўйлаб унутилмас саёҳат" номли уч қисмдан иборат ҳужжатли фильм миллионлаб телетомошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинганини маълум қилди. "Ноёб тарихий мероси ҳамда бой сайёҳлик имкониятлари машҳур "Getaway" дастури орқали намойиш этилиши Ўзбекистоннинг таниқли сайёҳлик маркази сифатидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилишига ишончим комил" деди хитойлик журналист.

"Дунфан Цзабао" ("Шарқ тонги") газетасининг халқаро ахборотлар департаменти директори Вэй Син икки давлат расмий делегацияларининг олий ва юқори даражалардаги ўзаро ташрифлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. "Бундай ташрифлар Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. ХХР Раиси Си Цзиньпин 2013 йили Самарқандга боргани мамлакатимиз жамоатчилигида алоҳида қизиқиш уйғотган эди", деди у.

Вэй Син икки мамлакат сайёҳлик компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши якка ҳамда гуруҳ бўлиб Ўзбекистонга борадиган саёҳатчилар сонини оширишга кўмаклашишини таъкидлади. "Чунки Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг юрагида жойлашган", дея фикрини изоҳлади хитойлик шарҳловчи.

"Жаҳон" АА.
Шанхай

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 10 июндан кучга кирадиган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлашда талаб этиладиган қонуности ҳужжатлари мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Янги қонун қабул қилинди

ЭЛЕКТРОН МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ахборотлаштириш тизими яратилгани ва ҳаётга самарали татбиқ этилаётганини таъкидлади. Бу аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг қулайлик яратиш, уларнинг давлат органлари билан электрон муносабатлари ривожланишига, бу жараёнда ортиқча оворагарчилик ва бюрократик тўсиқлар барҳам топишига замин яратаётир.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани давлат бошқаруви тизимидаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қонун давлат ва жамият қурилиши тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиб, фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланишида зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади.

Тадбирда депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, ахборот соҳаси мутахассислари "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуннинг зарур қонуности ҳужжатлар билан таъминланганлик даражасини муҳокама қилди.

Қонунни амалиётга татбиқ этиш доирасида электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари рўйхати, уни шакллантириш, юритиш ва фойдаланиш, шунингдек, иш берувчининг ўзи тақдим этган идентификаторга мувофиқлигини аниқлаш, электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаларини яратиш, улардан фойдаланиш ва сақлаш, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш, электрон давлат хизматларининг ягона реестрини юритиш тартибларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур йўналишларда айрим норматив ҳужжатлар қабул қилинган, қолганларини қабул қилиш бўйича экспертлар гуруҳи иш олиб бормоқда.

Давра суҳбатида янги қонунни амалиётга татбиқ этиш доирасида қабул қилинган электрон давлат хизматларини баҳолаш методикасига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу методика электрон ҳукуматнинг асосий принципларидан бири бўлган электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш, фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланишини баҳолаш жараёни ва механизмини белгилаб беради.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЖУРНАЛИСТ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситаларини малакали кадрлар билан таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда журналист кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари ва таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорлик, журналистларнинг ихтисослашуви масалалари хусусида сўз юритилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

2015 йил май ойида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Университет ҳузурида бошқа мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасига эга, журналистика соҳасида қобилиятини намоён этган ёшлар учун Олий журналистика курслари фаолият кўрсатмоқда.

Хорижий тилларни чуқур биладиган журналист кадрларни тайёрлашда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Бу ерда инглиз, немис, испан, хитой, япон ва бошқа чет тилларини пухта биладиган кадрлар ўқитилмоқда.

Мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани ёш журналистларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ёш журналистларнинг турли соҳалар бўйича ихтисослашуви ҳамда амалий кўникмаларини шакллантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2015 йилда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида Ёш журналистлар клуби ташкил этилган.

Матбуот анжуманида журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, ўқув юртлари ва таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари хусусида фикрлашилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири



ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида "Uzbekistan Agrotech Expo – 2016" ва "Uzbekistan Agromash Expo – 2016" – қишлоқ хўжалиги учун технологиялар ва ускуналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида мазкур кўргазма юртимиз ва хориж мамлакатларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ютуқлари, салоҳияти ва техника технологияларини намойиш қилишда, шунингдек, амалий алоқаларни кенгайтириш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш ва бу йўналишдаги ҳамкорлик алоқаларининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва уларни экспорт қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий корхоналаримизда бундай маҳсулотларни қайта ишлаш сезиларли даражада ошди. Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда мавжуд заҳира ва имкониятлардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатини замонавий технология ва ускуналар билан таъминлаш, соҳага тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш устувор йўналишлардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мазкур кўргазма юртимиз қишлоқ хўжалигига замонавий технология ва асбоб-ускуналарни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

"Uzbekistan Agrotech Expo – 2016" кўргазма-савдо ишида Ўзбекистон, Австралия, Белгия, Италия, Германия, Франция, Голландия, Корея, Хитой, Россия каби дунёнинг 24 давлатидан 170 дан ортиқ ишлаб чиқарувчилар иштирок этмоқда. Унда мева-сабзавот, гўшт ва сут, ун ва комбикорм, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қадоқловчи жиҳозлар, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий препаратлар, ветеринария, қорақўлчилик ва чармни қайта ишлаш бўйича мини техника ва ихчам ускуналар намойиш қилинмоқда.

– Фаолиятимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга иқтисослашган замонавий технология ва асбоб-ускуналарни четдан келтириш ва ўрнатиб беришга мўлжалланган, – дейди "Юнайтед фуд машинери" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Фарҳод Жўрахонов. – Шунингдек, қандолат маҳсулотлари, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашда ишлатиладиган айрим хом ашёларни ҳам етказиш билан шуғулланамиз. Бугунги тадбирда қуритиш, консервалаш, қадоқлашга мўлжалланган ускуналарни намойиш этмоқдамиз.

Тўртинчи бор ўтказилаётган "Uzbekistan Agromash Expo – 2016" кўргазмасида мамлакатимиз агросаноатидаги янги техник ечимлар ҳамда дунёнинг ўнта давлатидан келган 20 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

Кўргазманинг ташқи майдонида қишлоқ хўжалиги техникалари, трактор, комбайн, ўриш, преслаш, юклаш, ташиш, ерни юмшатиш ва ариқ олишга мўлжалланган турли техникалар намойиш этилмоқда.

"Uzbekistan Agrotech Expo – 2016" ва "Uzbekistan Agromash Expo – 2016" халқаро кўргазмалари 3 июнь куни ўз ишини якунлайди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Бандлик дастури – амалда

КОЛЛЕЖДАН – МЕҲНАТ ЖАМОАСИГА

Тошкент педагогика коллежи битирувчиси Азиза Маҳкамбоеванинг иш жойи тайин. Имтиҳонларни топшириб дипломини олгач, Сергели туманидаги 268-умумтаълим мактабида иш бошлайди. У тиришқоқлиги туфайли мактаб жамоасининг меҳрини қозонган.

– Янги иш жойимга тезда мослашиб кетаман, деб ўйлайман, – дейди Азиза. – Негаки, бу ерда бир йил давомида амалиёт ўтадим, "устоз – шогирд" анъанаси асосида иш ўргандим. Ишга жойлашаётганимдан, оиламга, жамиятга нафим тегишидан хурсандман.

Бугун Азиза сингари минглаб коллеж битирувчилари қизиқиш ва интилишлари доирасида ўрганган мутахассисликлари бўйича тўрт томонлама тузилган шартномалар асосида ишга жойлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан маълум қилишларича, жорий йилда мамлакатимиздаги касб-ҳунар коллежларини 477 минг 700 нафардан зиёд ўқувчи, жумладан, 234 мингга яқин қиз битиради.

– Жорий йилда коллеж битирувчилари билан тузилаётган шартномаларга ҳокимликларнинг ҳам бириктирилиши иш берувчи ташкилот ва муассасаларнинг масъулиятини янада оширди, – дейди ЎзА мухбирига Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бошқарма бошлиғи Абдухалил Раҳмонов. – Бундан ташқари апрель ойидан бошлаб 422 касб-ҳунар коллежда "Бизнес клуб"лар фаолияти йўлга қўйилди. Улар ўқувчиларнинг меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича билимларини оширишга кўмаклашмоқда. Ушбу "Бизнес клуб"ларга ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш истагини билдирган 32 мингдан зиёд йигит-қиз аъзо бўлди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилган.

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ 286 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш ва 46 минг-та иш ўрнини олдиндан квоталаб қўйиш белгиланган.

Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт, Меҳнат вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида ҳозиргача барча битирувчилар 222 мингдан зиёд корхона ва ташкилот билан тўрт томонлама шартнома тузиб, амалиёт ўтади.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда ҳудудларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам яхши самара бераётир. Жорий йилда битирувчиларга иш топишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида бевосита коллежларнинг ўзида ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Коллеж битирувчиларининг ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Уларга бизнес режа тузишдан уни юритишгача бўлган жараёнда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда, зарур миқдорда кредит билан таъминланмоқда. Жорий йилда ёшлар учун тижорат банклари томонидан 305,5 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилгани бунинг яққол далилидир. Бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 20 фоизга кўпдир.

Бу борадаги ишларга жамоат ташкилотлари ҳам катта ҳисса қўшмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям" каби танловлар касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар битирувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

– Банкдан имтиёзли кредит олиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил этмоқчиман, – дейди Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мафтуна Аминбоева. – Режам амалга ошса, 8 нафар тенгдошимни ҳам иш билан таъминлайман.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирларни янада кучайтириш кўзда тутилган. Айни пайтда мутасадди ташкилотлар ва коллежлар томонидан мазкур вазифалар жорасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Булар коллеж битирувчиларининг эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиб, оиласига даромад, жамиятга фойда келтиришдек эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Азима ҚИЁСОВА

Олмазор тумани ҳокимлигида назорат қилувчи идоралар ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида очиқ мулоқот ташкил этилди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Айтиш жоизки, Олмазор туманида бугунги кунда 7,5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, шунинг 3 мингдан ортиғини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ташкил этади. Бу рақам йилдан йилга ошиб бораётгани қувонарлидир. Биргина, ўтган 5 ой давомида ягона дарча орқали 200 дан ортиқ корхоналар рўйхатдан ўтган.

Йиғилишда Тошкент шаҳар савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар прокуратураси, Адлия бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, статистика, Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этиб, йиғилиш иштирокчиларини бу соҳада амалга оширилаётган ишлар билан таништиришди.

— Бугунги учрашувда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар ва вазифалар тўғрисида маълумотлар берилди, — дейди Савдо-саноат палатаси Олмазор тумани Ахборот маслаҳат маркази раҳбари Адиба Каримова. — Айниқса, сўнгги пайтда қабул қилинган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари тадбиркорлик субъектларига кенгроқ тушунтирилмоқда. Туманимизда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналар иш олиб боради, чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар бор, шуларни йиғиб, улар фаолиятида учраётган муаммоларни сўровномалар орқали ўрганиш ва тегишли назорат қилувчи органлар ҳамда бошқа мутасадди такшилотлар билан ҳамкорликда ижросини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Учрашувда тадбиркорлик субъектлари вакиллари мутасаддилардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

З.ШАРИФЖОНОВ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида "Шошилинч тиббий ёрдамни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари: қон-томир тизимининг ўткир касалликлари диагностикаси, даволаш ва профилактика масалалари" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз олимлари ва шошилинч тиббий ёрдам соҳаси шифокорлари билан бирга Италия, Швейцария, Финляндия, Жанубий Корея, Япония, Россиядан келган мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Л.Тўйчиев, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори А.Ҳожибоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз саломатлигини асраш, аҳолининг барча қатламларига кафолатланган, малакали тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш, соҳага илғор даволаш-диагностика технологияларини жорий этиш, мутахассисларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш доимий эътиборда. Мамлакатимизда қабул қилинаётган ижтимоий аҳамиятга молик Давлат дастурлари доирасида даволаш муассасалари, шифохоналар, сиҳатгоҳлар реконструкция қилиниб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар янада кенгайди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул, тезкор тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ушбу марказ ва унга бириктирилган республика санитар авиацияси ҳамда Тошкент шаҳрининг "103" хизмати шошилинч тиббий ёрдамнинг бош муассасаси ҳисобланади. Мазкур муассасанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги филиалларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. 172 аҳоли пунктида унинг субфилиаллари – шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари фаолият юритмоқда.

Замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган мазкур марказда туну кун шошилинч абдоминал, торакал хирургия, ангиохирургия, кардиохирургия, нейрохирургия, урология, гинекология, шошилинч терапия ва кардиология, неврология, педиатрия, болалар абдоминал ва нейрохирургияси, травматологияси каби йўналишларда шошилинч ёрдам кўрсатилмоқда.

– Ўзбекистондаги шошилинч тиббий ёрдам тизимига оид илмий тадқиқот олиб бормоқдаман, – дейди ЎзА мухбирига Сеул тез тиббий ёрдам хизмати профессори Тае Хо Лим (Жанубий Корея). – Мамлакатингизда ушбу тиббий хизмат тури ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, аксарият мамлакатларда тиббий ёрдам кўрсатишнинг илк босқичида беморга асосан парамедиклар – ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. Ўзбекистонда шошилинч тиббий ёрдам хизматига юқори малакали шифокорлар жалб қилингани касалликларга тез, аниқ ташхис қўйиш ва уни даволашда юксак самаралар бермоқда.

– Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими жадал ривожланиб бормоқда, – дейди Цюрихдаги "Евроосиё юраги" тиббиёт хайрия фонди президенти Пауль Роберт Фогт (Швейцария). – Бу шошилинч тиббий ёрдам, кардиология йўналишларида, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда. Мамлакатингизнинг қишлоқ туманларида ҳам аҳолига юқори сифатли тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилгани, шифохоналарда яратилган шарт-шароитлар ўрганишга ва намуна олишга арзигулик амалиётдир.

Конференцияда ўткир ва жароҳатли касалликларда тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш, кечиктириб бўлмайдиган жарроҳлик амалиётлари, неврология, кардиология, педиатрияда қон-томир патологиясини ташхис қўйиш ва даволаш, соҳага юқори технологияли даволаш-диагностика усулларини жорий этиш каби мавзуларда фикр алмашилди. Таниқли олимлар иштирокида бош мия томирлари касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашдаги инновациялар, нейрохирургия йўналишларида маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Назокат УСМОНОВА

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Айни кунларда шаҳримизнинг барча масканларида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

БОЛАМ, БОЛДАЙ ШИРИНСАН

Чилонзор туманидаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда "Болам, болдан ширинсан" мавзуида маданий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир Чилонзор туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож 400 нафар болалар иштирок этди.

Чилонзор туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан тайёрланган ёш гимнастика соҳибларининг чиқишлари, 4-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари ижросидаги қизиқарли саҳна кўринишлари, концерт дастурлари барча ўғил-қизларга бирдай манзур бўлди.

"Баркамол авлод" намунавий рақс жамоасининг дилбар рақслари, цирк усталарининг ғаройиб чиқишлари болажонлар қалбига бир олам қувонч бағишлади. Айниқса сузиш ҳавзасининг мавсумий ишга тушиши болажонлар шодлигига шодлик улашди.

— Дунёнинг шодлиги бола кулгуси билан янада мунаввар ва гўзалдир, — дейди Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Абдураҳимова. — Болажонларнинг юз-кўзларидаги табассум, қалбларидаги ҳаяжон биз катталаргаям қувонч бағишлайди. Истайманки жаннатмакон юртимизнинг истиқболи порлоқ ёшлари ҳамиша бахтли-саодатли бўлишсин, байрамларимизга байрамлар улансин.

— Мен бугун жудаям хурсандман, — дейди байрам иштирокчиси Шерзод Усмонов. — Маза қилиб ўйнадик, совғалар олдик. Қувончимизнинг чеки йўқ. Шу байрамни ташкил қилган ҳомийлардан миннатдормиз...

Ҳа, фарзандларимиз кулгуси оламни чароғон этади. Чунки унда беғуборлик, беозорлик, поклик каби энг бокира туйғулар мужассам.

Тадбир сўнгида туман ҳокимлиги томонидан туҳфа қилинган совғалар болажонларга янада чексиз шодлик улашди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ

Олмазор туманидаги "Нурафшон" маданият ва истироҳат боғида "Мафтункор ранглар олами" мавзуидаги кўрик-танлов 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилди.





Ислом Исмоилов олган суратлар

Танлов Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлинмаси томонидан уюштирилди. Унда 30 нафар иқтидорли болажонлар ўзларининг шиша буюмларга ва рангли қоғозларга моҳирлик билан чизган нақшларини намойиш этдилар.

— Бу танлов болажонларимизнинг масъум кўзларига бир олам қувонч бағишлаш баробарида, уларнинг кемтик кўнгилларига ҳам шодлик улашди, — дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлинмаси раиси Олим Султонов. — Бизнинг жамиятимиз кам таъминланган, ёрдамга муҳтож инсонларга, нафақадаги қарияларга беминнат хизмат қилиб келмоқда. Мазкур тадбир ҳам фарзандларимизга хуш кайфият бағишлади.

— Бу байрам тадбири менга жуда ёқди. Мен танловда ўзимнинг шишага чизган нақшларим билан иштирок этдим. Ҳомийлар томонидан берилган совғалар барчамизга манзур бўлди, ташкилотчиларга катта раҳмат... — дейди танлов иштирокчиси Сирожиддин Бобоёров.

Тадбир сўнгида кўрик-танлов ғолибларига ҳомийлар томонидан дори-дармонлар, бадиий китоблар ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Зафар НАЗАРОВ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиларининг "Нигоҳ – 2016" номли анъанавий иккинчи кўргазмаси очилди.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Кўргазмага қўйилган тасвирий санъатнинг рангтасвир графика йўналишидаги ишларнинг мавзулари ранг-баранг бўлиб, уларда ўқувчилар мамлакатимизнинг гўзал табиатини, олган билимлари, кўрганлари асосида, маданий ҳаётимиз, турмуш тарзимизнинг айрим қирраларини тасвирлаганлар. Ўқувчилардан Исфандиёр Маҳаммаджонзода "Шоҳ ва қашшоқ" номли эртакка ишланган расми, Гулмира Толиева "Она алласи", Даврон Бўрибеков, Эркин Воҳидовнинг шеърига ишланган "Тандир", Абдуқодир Юсупов "Икки дарахт" каби ижодий ишлари билан қатнашган. Ўқувчиларнинг расм бўйича устози Муяссар Игамованинг "Шоҳимардон", "Ирис гули", "Кўл", "Лолақизғалдоқ" каби ўндан ортиқ ишлари намойиш қилиш учун қўйилган.

Педагог, ижодкор устоз М.Игамова Тошкент Театр ва рассомлик институтида графика йўналишида таҳсил олган. Кўп йиллардан бери билим ва ҳаётий тажрибасини ишга солиб, ўқувчиларга рассомлик санъати сирларини ўргатиб келмоқда.

Кўргазмада ўз ишлари билан қатнашган ўқувчиларга сертификатлар топширилди.

Кўргазма шу йилнинг 15 июнигача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Коммунал тўловлар: бурч ва масъулият

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

— Биз яшайдиган кўп қаватли уй анчадан бери таъмирланмайди. Ҳар доим қишда ертўладаги қувурлар ёрилиб кетади. Хомут ўрнатилаверганидан қувурларнинг шакли ҳам ўзгариб, худди гул босганга ўхшаб қолган. Уйларимиз яхши исимайди. Ширкат яхши ишламайди.

— Нимасини айтасиз, ёмғир ёғди дегунча томимиздан чакка ўтади. Ёзда иссиқдан, қишда совуқдан жонимиз ҳалак. 9-қаватда тургандан кейин шу-да деб қўямиз. Ваҳоланки, яхши хизмат кўрсатилса, муаммолар ечимини топади.

Биз жон куйдириб, бир-бирларининг фикрларини тўлдираётган қўшниларнинг суҳбатларини эшитиб, ўйланиб қолдик. Ростдан ҳам уларнинг гапида жон борми, соҳа мутахассислари ўз вазифаларини яхши уддалашмаяптими? Туну кун ўз хизмат жойида турган мутасаддилар меҳнатини йўққа чиқармаяпмизми? Ахир халқимизда "Қарс икки қўлдан чиқади", деган ибратли нақл бор. Муаммо нимада?

— Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, вақтида иссиқлик ва иссиқ сув (фаслнинг дахли йўқ, ёз, куз, қиш, баҳор) билан таъминлаш учун ходимларимиз масъулият билан иш олиб борадилар, керак бўлганда кунми, тунми хизматга шай бўлиб, айтилган жойга зудлик билан етиб бориб уларнинг оғирини енгил қилиб, сув тошганми, қувур тешилганми, ўша заҳоти камчиликни бартараф этадилар, — дейди "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси бош директори Б.Қурбонбеков. — Биз имкони борича ўз вазифамизни бекаму кўст бажаришга, аҳолига янада сифатли, тезкор хизмат кўрсатишга интилиб, имкониятларимизни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Лекин бу фақат бизнинг саъй-ҳаракатларимизга эмас, балки кўрсатилган хизмат учун аҳолидан тўловларнинг вақтида тўланишига бевосита боғлиқ. Бироқ, аҳоли орасида, кўрсатилган хизматлар бўйича ўз мажбуриятларини бажармай, бунга совуққонлик билан қаровчилар ҳам топилмоқда. Дебитор қарздорликни ундириш мақсадида **"Тошиссиққуввати" ИЧБ УКси ва "Иссиқлик тарқатиш"** бошқармасининг масъул ходимлари томонидан аҳоли билан мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хонадонларга раҳбар ходимлар чиқиб вазиятни ўрганмоқдалар. Коммунал хизматлардан фойдаланиб, ушбу кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловларни амалга оширмасликнинг салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида аҳоли огоҳлантирилди. Бундай ҳаракатларга қарамай, аҳвол ўзгармади, натижа кўнгилдагидек эмас. Узоқ вақтлардан бери тўловларни амалга оширмай келаётган истеъмолчилар рўйхати яна бир бор қайтадан кўриб чиқилмоқда, энди уларга нисбатан чора кўришга тўғри келади. Мана сиз ҳам танишинг: Юнусобод тумани, 18-мавзе, 45-уй, 41-хонадондан Г.Саипова — 4.028.820 сўм, Марказ -4, 25-уй, 28-хонадондан И.Мин — 5.342.870 сўм, 5-мавзе, 13-уй, 35-хонадондан Г.Каландарова — 5.520.020 сўм, Яшнобод тумани, Тузел-3 мавзеси, 14-уй, 138-хонадондан А.Джумаев — 4.841.200 сўм, Тузел-3 мавзеси, 14-уй, 148-хонадондан Ш.Курбаниязовлар — 5.026.230 сўм қарзлари бўла туриб, уни тўлаш кераклигини гўёки унутиб қўйгандек юрибдилар.

— Озода, саранжом-саришта жойда қут-барака, ишда унум бўлади, — дейди **"Махсустранс" давлат ишлаб чиқариш бошқармаси** бошлиғи К.Набиев. — "Бетга айтганнинг заҳри йўқ" деганларидек, биз аҳолига қулайлик яратиш, тўпланган чиқиндиларни вақтида олиб кетиб, кўнгилни чароғон этиш (ахир озодаликдан кўнгил яйрайди, таъбингиз равшан бўлади)га қанчалик уринмайлик, улар кўрсатилган хизмат учун вақтида тўловни амалга оширишга шошилмаяптилар.

Дарҳақиқат, "Махсустранс"нинг тасдиқланган йўналиш жадвалларига асосан якка тартибдаги уйли маҳаллаларга ҳафтасига икки маротаба махсус автотранспорт воситаларининг сигнал системаси йўлга қўйилган. Кўп қаватли уйлар атрофида белгиланган жойларга қурилган қўриқланадиган чиқиндилари йиғиш майдончаларидан маиший чиқиндилар вақтида олиб чиқиб кетилмоқда. Кўрсатилаётган хизматларнинг янада сифатли бажарилишини таъминлашга айрим истеъмолчиларнинг тўловларни ўз вақтида тўламасликлари сабаб бўлмоқда.

Энг ачинарлиси, тўлов қобилияти мавжуд бўла туриб тўловларни амалга оширмайдиган истеъмолчиларнинг ҳам борлигидир. Улар билан танишиб қўйсак. Мисол тариқасида, 1 йил ва ундан ортиқ бўлган муддатларда тўловларни амалга оширмай келаётган бир қатор манзилларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 17-уйдан С.Бадалов — 494.400 сўм, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 73-уйдан А.Йўлдошева — 286.000 сўм, Яккасарой тумани, Сирожиддинов кўчаси, 32-уйдан А.Ҳошимова — 457.500 сўм, Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, 28-уй, 9-хонадондан А.Ибрагимова — 228.000 сўм, Сергели тумани, Чош-тепа 4-тор кўчаси, 26-уйдан Б.Расулов — 483.000 сўм, Учтепа тумани, Ифтихор кўчаси, 6-уйдан А.Мусаеваларнинг қарзлари — 383.000 сўмга етганлиги уларни ташвишлантирмаяпти. Лекин улар "Махсустранс" машиналари вақтида етиб бормаса аҳвол нима бўлишини бир ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

— **Тошкент шаҳар "Сувсоз" давлат унитар корхонаси** ишчи-хизматчилари томонидан аҳолига ичимлик суви вақтида етказиб берилиб, оқава сув хизматлари талаб даражасида кўрсатилиб, ҳеч қандай муаммо ва тушунмовчиликка йўл қўйилмайди. Ахир сув оби-ҳаёт, усиз қандай аҳвол юзага келишини барчамиз яхши тушунамиз, — дейди Сув тақсимот бошқармаси бошлиғи А.Багдасарян. — Шунга яраша аҳолига истеъмол қилинган ичимлик суви ва фойдаланилган оқава сув хизматлари учун ойнинг 10-кунига қадар ўтган ой учун тўловларни кечиктирмасдан амалга ошириш талаби қўйилган. Лекин, афсус айрим истеъмолчилар бунга амал қилмаяптилар. ДУК "Сувсоз" Сув тақсимоти бошқармаси масъул ходимлари улар билан мунтазам равишда дебитор қарздорликларни ундириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Натижа эса кутилганидек эмас. Масалан: Миробод тумани, Янги замон 2-тор кўчаси, 3/3-уй, 2-хонадондан К.Абдуразокова — 277.402.65 сўм, Таллимаржон кўчаси, 14-уй, 220/21-хонадондан И.Халбеков — 471.385.17 сўм, А.Фитрат кўчаси, 40-уй, 71-хонадондан М.Садикова — 259.733.40 сўм, Сергели тумани, Спутник Марказ-2, 3-уй, 10-хонадондан А.Барануйкин — 650.832.48 сўм, Учтепа тумани, Чилонзор-15, 27-уй, 50-хонадондан А.Рагинскаяларнинг қарзлари — 682.438.98 сўмга етган.

"ToshshahETK" AJ томонидан ҳам аҳолига электр энергиясини етказиб беришнинг сифатли бажарилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларнинг ўз вақтида тўланиши юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳамма истеъмолчилар ҳам кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаяптилар.

Масалан: Юнусобод тумани, 14-мавзе, 35-уй, 49-хонадондан Мусаева — 2.400.000 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 8-уй, 12-хонадондан М.Камилова — 7.507.000 сўм, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 1а-уй, 43-хонадондан Кашкаровский — 2.000.000 сўм, Чилонзор тумани, Алгоритм массиви, 55-уй, 155-хонадондан Ахунов — 908.000 сўм, Шарқ кўчаси, 29-уй, 67-хонадондан Расуловнинг — 795.000 сўм қарзлари бўла туриб хотиржам юрганларига нима дейсиз?

Барча хизматлардан фойдаланишдан аввал ҳисоб-китобни ҳам вақтида олиб бориш керак. Бу борада аҳоли учун туну кун сув ва ҳаводек керак бўладиган хизматлар борки, уларсиз ишимиз битмайди, чойимиз қайнамайди, овқатимиз пишмайди. Ахир инсон — тирик жон, унинг ҳар томонлама яхши яшаши, оиласини таъминлаши, меҳнат қилиши учун шарт-шароит керак.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси "Тошкентшаҳаргаз" филиалидан олинган маълумотлар эса ҳали ҳам орамизда лоқайдликка берилган, "ҳисобли дўст айрилмас" нақлига амал қилиш кераклигини тушунмаётган ёки тушунишни истамаётган истеъмолчилар ҳам борлигини кўрсатмоқда. Мисол учун: Юнусобод тумани, Гулистон 1-берк кўчаси, 1-уйдан С.Ҳакимов — 6.262.000 сўм, Ҳасанбой 8-тор кўчаси, 2-уйдан С.Умирзоқов — 8.002.500, Яккасарой тумани, Шоҳсанам кўчаси, 2-уйдан В.Назарова — 4.857.000 сўм, Конституция кўчаси, 33-уйдан Ю.Пак — 4.857.000 сўм, Олмазор тумани, Олмос кўчаси, 4-уйдан Г.Тоиров — 6.564.224 сўм, Файзибаланд кўчаси, 1-уйдан Т.Собиржоновнинг қарзлари — 5.789.535 сўмга етган.

Хулоса ўрнида, "Узумини егину боғини суриштирма" деган мақолнинг даври аллақачон ўтганини эслатиб қўймоқчимиз. Узумини егингизми, яъни сувидан ичдингиз, иссиқ сувидан фойдаландингиз, идиш-товоқ, кир ювдингиз, уйингизни иситдингиз, газда чой қўйиб, овқат пиширдингиз, электр энергиясидан фойдаланиб уйингиз чароғон бўлди, телевизор, холодильник, чанг ютгичу микротўлқинли печлар бекаму кўст ишлаб турибди, барака топгур, ишлатгандан кейин ҳақини ҳам тўлаш керак-ку.

Биз юқоридаги суҳбатни бежизга келтирмадик, кимгадир эътироз билдиришдан олдин ўзимизнинг қилаётган ишимизга ҳам бир баҳо берайликчи, натижа қандай бўлар экан? Шундай эмасми?

Шаҳризода МУҲСИМОВА

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЗВИЙЛИГИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида юртимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати "Мустақиллик ва ёшлар" деб номланди.

Тадбирда университет ректори Р.Саидаҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қ.Бабашев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида келажак авлоднинг маънавий дунёқарашини, маданий савиясини юксалтириш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган комил инсонлар бўлиб етишига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давра суҳбатида мустақиллик олий неъмат, уни қадрлаш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги қайд этилди.

– Мамлакатимизда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар келажаги порлоқ, истиқболи ёркин ёшларнинг нурафшон эртаси йўлида хизмат қилмоқда, – дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Турсунмурод Маматқобилов. – Зеро, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати, келажак авлод онги ва тафаккурига ватанпарварлик, истиқлолга садоқат туйғуларини сингдириш, ёшларнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камолга етишига хизмат қилади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

Тошкент фармацевтика институтида Соғлом она ва бола йилига бағишлаб талабалар илмий жамиятининг 73-анжумани бўлиб ўтди.

Институтда талабалар анжуманини ўтказиш ҳар йили анъанага айланган бўлиб, бу йил ҳам ушбу анъанани давом эттирган ҳолда иқтидорли, илмий салоҳиятли ёшлардан 330 нафари оғзаки, 400 нафари эса деворий маърузаларини ўқиб иштирок этди. Маърузалар тезис тартибида чоп этилди. Анжуман кенг доирада саккизта махсус бўлимларга ажратилган ҳолда уюштирилди.

— Ҳар бир ёш изланувчан, иқтидорли талабанинг маърузалари мавзуси инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларга қаратилган бўлиб, амалиёт асносида ўз ечимини топиб боради, деган умиддамиз,– дейди мазкур институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Оллоқул Худойбердиев. – Ёшлар томонидан тайёрланган илмий ишлар, лойиҳаларнинг кўпчилиги кейинчалик амалиётга татбиқ этилиб, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришга замин ҳозирлайди.

Тадбир сўнгида ғолиб бўлган иқтидорли талабаларга институт ректори томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

БИЗ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИМИЗ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўтказилган давра суҳбати "Жангари экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" деб номланди.

Тадбир мазкур институт, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, талабаларнинг ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини янада юксалтириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёшларни ёт ғоя таҳдидларидан ҳимоялаш, мамлакат тараққиётига даҳлдорлик ҳисси билан вояга етказиш борасида сўз борди.

— Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама билимли, ватанпарвар ва юксак маънавиятли ёшлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дилшод Баратов. – Мазкур тадбир ҳам, талаба-ёшларнинг ҳозирги геосиёсий майдонда рўй бераётган жараёнларнинг моҳиятини ва диний экстремизмнинг асл мақсади нималардан иборат эканлигини тушунишга, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, онгу тафаккурини теранлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса талабаларни интернет орқали тарғиб қилинаётган турли зарарли оқимлар ва уларнинг ёт ғоя таъсирларидан ҳимоялашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Гулнигор САТТОРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎзДЖТУ қошидаги 2-сонли академик лицей соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида лицей ошхонасини ижарага бериш учун танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 10 кун давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.

Тел: (+99371) 252-77-67.

"MOS BIZNES" МЧЖнинг (ИНН 205037901)нинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари жамоаси таҳририят ходими Абдуалим Салимовга отаси

Хўжа ота САЛИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари

Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида шу йилнинг 15 сентябрь — 2 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган 16 ёшли футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичига қуръа ташланди.

ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Унга кўра, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси "D" гуруҳидан ўрин эгаллади ва Темур Олимхўжаев шогирдларига КХДР, Таиланд, Яман термалари рақиблик қилиши маълум бўлди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мусобақадаги иштирокини 17 сентябрь куни Таиландга қарши ўйин билан бошлайди. Мусобақанинг 2-турида 20 сентябрь куни Яман терма жамоасига қарши майдонга тушса, гуруҳ босқичи сўнгги ўйинида 23 сентябрь куни КХДР ўсмирлари билан куч синашади.

ТЕННИСЧИМИЗ ФИНАЛДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Андижон шаҳрида ўтказилган халқаро теннис турнири истеъдодли теннисчимиз Темур Исмоиловнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи учрашувида Темур бир қатор ўзбек теннисчиларини мусобақадан чиқариб юборган Хитой Тайпейи вакили Ти Чен билан рақобатлашди. Финалгача бўлган йўлда Азамат Лукмонов, Санжар Файзиев каби ҳамюртларимизни енгиб ўтган меҳмон теннисчи бу сафар ҳам кучли ўйин намойиш қилди.

Ти Чен биринчи сетда 6:2 ҳисобида осон ғалабага эришди. Иккинчи сетда Темур Исмоилов рақибига жиддий қаршилик кўрсатди ва 7:5 ҳисобида зафар қучди. Ҳал қилувчи сет ҳам кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Унда яна бир бор 7:5 ҳисобида устун келган ўзбек теннисчи бош совринни қўлга киритди.

Бу соврин ёш теннисчимиз учун жорий мавсумда биринчиси бўлди.

Қарши шаҳридаги "Насаф" футбол мактабида Осиё футбол конфедерацияси томонидан ташкил этилган мураббийлар учун "С" лицензияси ўқув курслари ўтказилди.

МУРАББИЙЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ушбу семинар Осиё футбол конфедерацияси йўриқчиси Зойир Ҳасанов томонидан олиб борилиб, унда 23 нафар мураббийлар иштирок этишди. Шунингдек, Қашқадарё футбол федерациясининг мусобақаларни ўтказиш бўлими бошлиғи Элбек Жўраев мувофиқлаштирувчи сифатида иш олиб борди.

Мазкур ўқув курсларни муваффақиятли тамомлаган мураббийларга ОФКнинг "С" тоифасидаги сертификатлари топширилди.

Ботир ХЎЖАЕВ



Отабек Мирсратов олган сурат

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичига Ўзбекистон миллий терма жамоаси тайёргарликни бошлаш арафасида турибди.

АФРИКА ҚИТЪАСИ ВАКИЛИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Мундиал йўлланмаси учун дастлабки ўқув-машғулот йиғини Тошкентда уюштирилади. Машғулот йиғини доирасида 2 июнь куни Тошкентда Қирғизистон терма жамоаси билан миллий терма жамоамиз ўртасида ташкиллаштириладиган ўртоқлик учрашуви бекор қилинганидан мухлисларнинг хабари бор. Аммо 2 июнь куни Тошкентда миллий терма жамоамиз ўртоқлик учрашувида иштирок этади. Бу сафар пойтахтимизга Африка қитъаси вакили Экваториан Гвинея терма жамоаси ташриф буюради. Ўртоқлик баҳси "Бунёдкор" стадионида бўлиб ўтади.

ТАҚВИМ ТАСДИҚЛАНДИ

Осиё футбол конфедерацияси томонидан жорий йилнинг 13-30 октябрь кунлари Баҳрайнда 19 ёшгача ёш футболчилар ўртасида уюштириладиган Осиё чемпионати тақвими тасдиқланди.

Осиё чемпионатида Тожикистон, Австралия ҳамда Хитой ёшлар терма жамоалари билан "Д" гуруҳидан ўрин эгаллаган Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз қитъа биринчилигининг 1-турини 15 октябрда тожикистонлик тенгқурларига қарши ўтказишади. Шунингдек, 18 октябрда ёшларимиз 2-турда Австралия ёшлар терма жамоаси билан куч синашишса, 21 октябрда ёшларимиз Хитой ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлоднинг фаоллигини ошириш, иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Улар орасида ёшларда катта қизиқиш уйғотган, иқтидорларини тўла намоён этишга хизмат қилаётган "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика танловининг ўрни катта.

Мазкур танлов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Бадиий Академияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Танловнинг Сергели туман босқичи Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ташкил этилди. Мазкур танловда иштирок этган йигит-қизларнинг иқтидору истеъдодини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Танловнинг саралаш босқичида туманда жойлашган таълим муассасаларининг 420 дан ортиқ иқтидорли ўқувчилари қатнашиб, "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар", "Анъанавий ва амалий санъат", "Адабиёт ва журналистика" йўналишларида ўз билим ва салоҳиятини намойиш этди. Ўз навбатида танлов иштирокчилари маҳоратларини йўналишлар кесимида малакали мутахассислар, шоир ва журналистлардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари одилона баҳолаб боришди.

Танлов сўнгида ғолиб ва совриндор ёшлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Шу билан бирга улар танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Умар ҲАЗРАТОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

ЭНГ ЯХШИЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимиз йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси қуйи тизимларида фаолият олиб бораётган Йўл-патруль хизмати инспекторларининг хизматлари катта. Уларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлиги, соҳа бўйича билим кўникмаси ва фуқаролар билан муомала маданиятининг юксак бўлиши бу борада катта аҳамиятга эга.

Ходимларнинг касбий маҳоратини янада юксалтириш мақсадида жорий йилда бош бошқарманинг барча идора ва тизимларида кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Куни кеча ИИББ ЙҲХБ қуйи тизимлари шахсий таркиби ўртасида ҳам "Намунали йўл-патруль хизмати ходими" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир Ички ишлар вазирлиги маданият саройида ташкиллаштирилиб, унда ИИВ масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, ички ишлар идоралари фахрийлари ва ИИББ ЙҲХБ ва унинг қуйи тизимларида фаолият юритаётган шахсий таркиб жам бўлишди.

Ушбу тантанали маросим очиқ деб эълон қилинганидан сўнг, кўрик-танлов жараёнлари тасвирга туширилган видео лавҳа намойиш этилди ва номинациялар бўйича ғолиблар тақдирлаш учун бирин-кетин саҳнага таклиф этилди.

Номинациялар қуйидагилардан иборат эди: "Хизматжанговар тайёргарлик бўйича тест синовлари", "Тартиб-га солувчининг хатти-ҳаракатлари", "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари", "Автомашинани фигурали бошқариш", "Спорт тўсинда тортилиш", "100, 1000 ва 3000 метр масофага югуриш", "Макаров тўппончасидан ўқ отиш", "Энг кўп қоидабузарликни аниқлаган ходим", "Энг кўп транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ҳайдовчиларнинг қоидабузарлигини аниқлаган ходим", "Энг кўп жиноятни фош этган ходим", "Энг яхши йўл-патруль хизмати инспектори ва катта инспектори", "Энг яхши сафарбар гуруҳи командири", "Энг яхши мураббий", "Энг яхши Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими" ҳамда "Энг яхши жамоа". Мазкур номинацияларда ғолибликни қўлга киритган ходимлар диплом, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда ИИВ ансамбли ва таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари ва чиқишлари барча йиғилганлар қалбига кўтаринки руҳ бағишлади.

Сарвар СОБИРОВ

Орамизда шундай инсонлар ҳам борки, улар бировларни алдаб, чув тушириб кун кўришади. Шундайлардан бири бу Равзиддин (исм-шарифлар ўзгартирилган) эканлиги маълум бўлди.

НОЖЎЯ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Кунларнинг бирида Оқилжон ошхонага кириб, овқатланиб ўтирганди. Унинг ёнига ёши қирқлардан ошган Равзиддин ўтирди-да официантга таом буюртма берди. Таом олиб келгунича у Оқилжон билан танишиб олди.

"Агар сир бўлмаса, ака, нима иш билан шуғулланасиз?" дея бу сўзамол одамга қизиқиб қолди Оқилжон.

"Қўлимдан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Ҳозирги пайтда танишларимни хорижга ишга жўнатиш билан шуғулланаяпман. У ерга бориб келганларнинг бирортаси ҳам кам бўлаётгани йўқ" деди виқор билан Равзиддин. Сўнгра бу содда йигитнинг оғзини очириб қўйиб, хорижда ишлашни, пул топишни роса кўкларга кўтариб мақтади. Икковлари овқатланиб бўлишгач, бир-бирларига телефон рақамларини бериб, худди қадрдонлардек хайрлашишди.

Ўша кундан сўнг Оқилжоннинг дарди хаёли бир амаллаб Америкага кетиш бўлиб қолди.

У Равзиддин билан яна учрашишганида ўзининг орзуларини айтиб, ундан хорижга ишлаш учун бормоқчилигини, бунинг учун виза олиб беришини илтимос қилди.

"Қаловини топсанг қор ҳам ёнади" дейдилар", деди қўлларини бир-бирига ишқалаб Равзиддин. "Пулинг бўлса халтада, дам оласан Ялтада", деган экан одамлар. Бугунги кунда ҳамма нарсанинг давоси пулда укажон. Белингиз бақувват бўлса сеҳрли диёрга виза олиб бераман. Сиздай укахонларга йўқ деб бўлармиди", дея унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди у.

"Унда мен нима қилишим керак?" деб сўради Оқилжон.

"Менга 7.000 АҚШ доллари берасиз. Шу пуллар эвазига сизга АҚШда ишлаб келиш учун 4 йиллик муддатли меҳнат шартномасини қилиб, виза очтириб бераман" деди Равзиддин.

Оқилжон дарҳол у айтган пулларни топишга ҳаракат қилди. Ўша йилнинг охирида улар яна учрашиб, Оқилжон унга 7.000 АҚШ долларини берди. Равзиддин бу йигитни ишонтириши учун Ғайбулла исмли одамнинг АҚШ паспорти нусхаси ва таклифнома нусхасини унинг қўлига тутқазди.

Орадан бир ой ўтгач, у Оқилжонга қўнғироқ қилиб, пулдан қийналиб қолганини ва АҚШга кетиши учун ҳужжатлари тайёр бўлганида бериши лозим бўлган пуллардан 1.200 АҚШ доллари бериб туришини сўради.

Оқилжон йўловчи таксининг ҳайдовчиси орқали Равзиддинга сўраган пулларини бериб юборди.

Орадан икки ой вақт ўтгач, қаҳрамонимиз ундан қизи касал бўлиб қолганлиги учун 200 АҚШ доллари, ҳужжатлари учун 300 АҚШ доллари, ҳарбий билетини тиклаб бериш учун 200 АҚШ доллари, қизининг битирув кечаси учун 200 АҚШ доллари олди.

Июнь ойида у Америка элчихонасига кириб чиқиш учун ҳам 320 АҚШ долларини Оқилжондан олди. Яна пул кераклигини таъкидлади. Оқилжон опасидан 8.000.000 сўм пулларни олиб ўз қўллари билан унга етказди.

Улар июль ойида Америка элчихонасига кириб чиқишди. Афсуски унга ҳеч қандай виза беришмади. Шундай қилиб, устаси фаранг фирибгар Оқилжондан 10.420 АҚШ доллари ва 8.000.000 сўм пулларни олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берди. Бироқ у бу пулларни қайтариш ўрнига Оқилжонни алдаб юрди. Оқилжон бу ҳақда тегишли жойга мурожаат қилганидан сўнггина Равзиддин зўрға 2.000 АҚШ долларини қайтарди холос.

Кўп вақт ўтмай суд бўлиб ўтди. Суд Равзиддин Тўйчимуродовдан Оқилжон Ўктамбеков фойдасига етказилган зарарнинг қопланмаган қисми, яъни 8.000.000 сўм ва 8.420 АҚШ доллари ундирилишни лозим деб топди.

Суд Р.Тўйчимуродовга ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат фойдасига ундирилган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Шоабзал ИНАЯТОВ, Мирзо Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси Хонбиби МАҲАМОВА, журналист

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***2 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Куннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10, момақалдироқ пайтида 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***2 июнда*** *ва* ***3 июнь*** *эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-7269

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ